

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

589 Ички ишлар органлари кўриқлаш хизмати фаолияти-
ни тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш-ни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 10 апрелдаги ПФ–5005-сон Фармони талабларига мувофиқ, шунингдек ички ишлар органларининг юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкани кўриқлаш соҳасидаги фаолияти самарадорлигини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг мол-мулкни ва объектларни кўриқлаш самарадорлигини ошириш соҳасидаги муҳим йўналишлари ҳисоблансин:

биринчи — давлат объектларининг, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларнинг, шунингдек жисмоний ва юридик шахслар мулкнинг кўриқланишини ташкил этиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш;

иккинчи — кўриқлаш турларини кенгайтириш, кўриқлаш хизмати фаолиятига замонавий технологияларни жорий этиш орқали кўрсатилаётган кўриқлаш ва бошқа хизматларнинг ҳаммабоплигини таъминлаш;

учинчи — кўриқланаётган объектлар, шунингдек идоравий кўриқлаш объектларига рухсат бериш режимини, объект ички режимини таъминлаш ва мувофиқлаштиришинг таъсирчан тизимини жорий этиш;

тўртинчи — кўриқланаётган объектларда ҳуқуқбузарликлар профилак-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

тикаси механизмини такомиллаштириш, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилиш орқали жиноятларни бартараф этиш;

бешинчи — давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, уларнинг таркибига кирувчи юридик шахслар, шунингдек бюджет ташкилотлари объектлари қўриқланишини таъминлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган комплекс чораларни амалга ошириш, идоравий қўриқлашни мувофиқлаштириш ва назорат текширувидан ўтказиш;

олтинчи — қўриқланаётган объектларнинг хавфсизлигини таъминлаш соҳасига замонавий ахборот-коммуникация ва қўриқлаш технологияларини жорий этиш, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларга қўриқлаш хизматлари кўрсатиш, ушбу йўналишда ягона техник сиёсатни амалга ошириш.

2. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари қўриқлаш хизмати ҳақидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қўриқлаш бош бошқармаси ҳақидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари қўриқлаш хизматининг ташкилий тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қўриқлаш бош бошқармасининг тузилмаси 4-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳри Ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари қўриқлаш бошқармаларининг намунавий тузилмаси 5-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳри Ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари қўриқлаш бошқармалари алоҳида батальон (отряд)ларнинг намунавий тузилмаси 6-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳри Ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари туман (шаҳар) ички ишлар бошқарма (бўлим)лари қўриқлаш бўлим (бўлинма)ларининг намунавий тузилмаси 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирига қўйидаги ҳуқуқлар берилсин:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қўриқлаш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари тузилмасига уларнинг умумий штат бирликлари доирасида белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда молмулк ва объектларни қўриқлаш соҳасида хизмат кўрсатиш бўйича шартномаларга асосан тушаётган маблағлар ҳисобига Ўзбекистон Республикаси ИИБ Қўриқлаш бош бошқармасига штат бирликларини киритиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

Молия вазирлиги билан биргаликда 2017 йил 1 сентябрга қадар қўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича тарифларни, уларни камайтиришни эътибор-

га олган ҳолда, қўриқлаш хизматидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш мақсадида, қайта кўриб чиқсин;

қўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича шартномалар тузган жисмоний ва юридик шахслар билан биргаликда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали қўриқлаш тизимларини ташкил этиш чораларини кўрсин;

манфаатдор вазирликлар билан биргаликда ўзлари қабул қилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни уч ой муддатда ушбу қарор талабларига мувофиқлаштирсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 8-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

6. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Республика «Қўриқлаш» бирлашмасини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг муассасадан ташқари қўриқлаш бош бошқармаси этиб қайта ташкил қилиш тўғрисида» 1993 йил 1 мартдаги 110-сон қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида («Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги ЎРҚ–352-сонли Қонуни)» 2014 йил 3 мартдаги 45-сон қарорига 1-илованинг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 3-сон, 16-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири А.А. Азизов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 23 июнь,
421-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 23 июндаги 421-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари қўриқлаш хизмати ҳақида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари қўриқлаш бўлинмаларининг (кейинги ўринларда қўриқлаш хизмати деб аталади) ташкилий тузилиши, вазифалари, мажбуриятлари ва ҳуқуқларини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

қўриқлаш хизмати — республика ички ишлар органларининг давлат объектларини, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкни шартнома асосида қўриқлашни ташкил этувчи таркибий бўлинмалари тизими;

идоровий қўриқлаш — республика давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларда объектлар ва мол-мулкни ҳуқуққа зид тажовузлардан қўриқлаш, химоя қилиш бўйича махсус вазифаларни бажариш учун ташкил этиладиган, юридик шахс бўлмаган таркибий бўлинма;

қўриқланадиган объектлар — ҳуқуққа зид тажовузлардан қўриқлашни ва химоя қилиниши керак бўлган бинолар, иморатлар, иншоотлар, уларга туташ ҳудудлар ва акваториялар;

наряд — объект ёки унинг бир қисмини қўриқлашни таъминлаётган, моддий-товар бойликларни кузатиб бораётган, қўриқланаётган объектлардан тушган ташвишли хабарга тезкор таъсир кўрсатиш борасидаги тадбирларни амалга ошираётган қўриқлаш хизмати ходими (ходимлари);

объект ички режими — қўриқланадиган объектда белгиланган ички тартиб ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари ҳамда тадбирларини амалга ошириш тартиби;

рухсат бериш режими — қўриқланадиган объектда шахсларнинг кириши (чиқиши), транспорт воситаларининг чиқиши (кириши), қўриқланадиган объектларга мол-мулкни олиб кириш ва улардан олиб чиқишни назорат қилиш, назоратсиз кириб-чиқишнинг олдини олиш ва унга барҳам беришнинг белгиланган тартиби;

назорат текшируви — қўриқлаш хизматининг давлат, хўжалик субъектларига объектлар хавфсизлиги ва қўриқлаш тизимини ташкил этиш йўналишида амалий ёрдам кўрсатиш, шунингдек эҳтимоли мавжуд ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, идоровий қўриқлаш бўлинмаларида ушбу соҳада аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва такомиллаштириш борасидаги фаолияти.

3. Республика ички ишлар органлари қўриқлаш хизмати бўлинмалари

шартномалар асосида ўта муҳим, тоифаланган ва давлат органларининг бошқа объектларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкни қўриқлаш, моддий ва пул бойликларини қўриқлаш-кузатиб бориш учун мўлжалланган.

4. Қўриқлаш хизмати қуйидагиларни ўз ичига олади:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Қўриқлаш Бош бошқармаси (кейинги ўринларда Бош бошқарма деб аталади);

Мустақиллик майдони ва у ерда жойлашган биноларни қўриқлаш бўйича Комендатура (кейинги ўринларда Комендатура деб аталади);

Тошкент шаҳрида жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари объектларини қўриқлаш бўйича алоҳида батальон;

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳри Ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари қўриқлаш бошқармалари (кейинги ўринларда қўриқлаш бошқармалари деб аталади);

техник қўриқлаш воситаларини мониторинг ва назорат қилиш марказлари;

батальонлар, алоҳида отрядлар, команда, гуруҳлар (кейинги ўринларда саф бўлинмалари деб аталади);

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳри Ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг туман (шаҳар)лар ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) қўриқлаш бўлимлари (бўлинмалари).

5. Қўриқлаш хизмати фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг буйруқлари ва фармойишлари ҳамда ушбу Низом асосида ташкил этади.

6. Қўриқлаш хизмати нарядларининг ички тартиби, саф тайёргарлиги ва қоровул тартибида хизматни ўташи Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари умумҳарбий уставларига мувофиқ ва Ички ишлар вазирининг буйруқларига асосан ташкил этилади.

2-боб. Қўриқлаш хизматини ташкил этиш

7. Қўриқлаш хизмати ўз фаолиятини жисмоний ва юридик шахслар билан тузилган қўриқлаш хизматини кўрсатиш бўйича тузилган шартномалар асосида ташкил этади, ўз фаолиятини ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш тамойили асосида амалга оширади.

8. Қўриқлаш хизмати кўрсатиш фаолиятдан келиб тушган маблағлар мақсадли равишда — фақат қўриқлаш хизматини таъминлаш ва ривожлантириш учун сарфланади.

9. Қўриқлаш хизмати кўрсатиш саф, ҳарбийлаштирилган ва қоровуллик

бўлинмалари нарядлари фаолиятини ташкил этиш, шунингдек техник қўриқлаш воситалари орқали амалга оширилади.

10. Қўриқлаш хизмати саф бўлинмаларида қўмондонлик таркиби штат бирликлари сони қўриқлаш хизмати кўрсатиш учун тузилган шартномаларга мувофиқ киритилган штат бирликлари сонининг йигирма фоиздан ошмаслиги керак.

11. Қўриқлаш бўлинмалари бошқарув аппаратлари штатлари сони қўриқлаш хизмати кўрсатиш учун тузилган шартномаларга мувофиқ киритилган штат бирликлари умумий сонининг тўрт фоизи миқдорида белгиланади.

12. Қўриқлаш хизмати бўлинмалари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг тарифлари (нархи) Ички ишлар вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

3-боб. Қўриқлаш хизматининг асосий вазифалари, мажбуриятлари ва ҳуқуқлари

13. Қўриқлаш хизмати шахсий таркибига қонун ҳужжатларида ички ишлар органлари ходимларига белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар жорий этилади.

14. Қўйидагилар Қўриқлаш хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади:

шартнома асосида давлат объектларини, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкни қўриқлаш;

қўриқлаш бўлинмаларида назорат текширувлари ўтказиш, идоравий қўриқладиган объектда ички, рухсат бериш режимига риоя этилишига доир ишларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

қўриқланаётган объектларда объектнинг ички ва рухсат бериш режимига риоя этилишини таъминлаш;

жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этиш;

шартнома асосида қўриқланаётган объектларда ўрнатилган техник қўриқлаш воситаларига хизмат кўрсатиш, уларни ўрнатиш (созлаш) ва улардан фойдаланиш;

қўриқлаш хизмати бўлинмаларининг кадрлар, молия-хўжалик фаолиятини таъминлаш.

15. Қўриқлаш хизмати қўйидагиларга мажбур:

мол-мулкни қонунга зид тажовузлардан ҳимоялаш, қўриқлаш хизмати раҳбарлари билан келишган ҳолда объект маъмурияти тасдиқлаган кириб чиқиш йўриқномасига асосан объектда ички ва рухсат бериш режимига риоя этилишини таъминлаш;

қўриқланаётган мол-мулкнинг ўғирланиши ёки бузилишига олиб келиши мумкин бўлган хўжасизлик ва бепарволик намоён бўлишининг ҳар қандай кўринишига ўз вақтида муносабат билдириш;

хизмат ўташ жойларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш тадбирларини амалга ошириш;

қўриқланадиган объектларда табиий ва техноген хусусиятга эга фавқулодда ҳодиса ва ҳолатларнинг олдини олиш, уларни бартараф этишда иштирок этиш;

ишониб топширилган табель қуроллари, махсус ва техник воситалар, шахсий ҳимоя воситалари, хизмат кийим-бошлари, мол-мулкни эҳтиёт қилиш ва уларнинг соз ҳолда сақланишини таъминлаш;

қўриқлаш хизмати бўлинмаларнинг жанговар тайёргарлигини таъминлаш, шунингдек хизмат-жанговар, ижтимоий-ҳуқуқий, маънавий-руҳий ва жисмоний тайёргарлик бўйича тегишли дастурларда белгиланган машғулотларнинг шахсий таркиб билан ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини таъминлаш;

янги замонавий хавфсизлик техника воситаларини ишлаб чиқиш, қўриқланаётган объектларга жорий этиш ва ўзлаштириш фаолиятини ташкил этиш, объектларни эҳтимоли мавжуд бўлган ҳуқуқбузарликлардан ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш учун уларнинг мониторингини олиб бориш;

кадрларни танлашни, жой-жойига қўйиш, қўнимсизлигининг олдини олишни ва уларнинг касбий тайёргарлиги, хизмат интизомига риоя этилишини ташкил этиш, белгиланган тартибда ходимларни қайта тайёрлаш ва малака оширишга юбориш;

қўриқлаш хизмати бўлинмаларида белгиланган тартибда сафарбарлик тайёргарлигини ташкил этиш ва таъминлаш;

хизмат сирини сақлаш чораларини кўриш.

16. Қўриқлаш хизмати ходимларининг хизмат вазифаларини бажариш вақтидаги ҳуқуқлари:

қўриқланаётган объектлар мансабдор шахслари, ишчи-хизматчилари ва объект ҳудудидаги бошқа шахслардан белгиланган тартибда рухсат бериш ва объект ички режимига риоя қилишни ҳамда жамоат тартибини сақлашни талаб қилиш;

қўриқланаётган объектлардаги мол-мулкни сақлаш шарт-шароитлари, муҳандислик-техник воситалари ҳолатини текшириш;

қўриқланаётган объектдан мол-мулк, моддий бойликлар ва турли юкларни ноқонуний олиб чиқишга ёки олиб киришга уринаётган шахсларни ушлаш;

қўриқланаётган объектларга ноқонуний кирганлар ёки қонунбузарлик қилганларнинг шахсини аниқлаш ва маъмурий протокол тузиш мақсадида ушлаш ва қўриқлаш хизмат хоналарига олиб келиш, ушлаб туриш, зарур ҳолатларда эса уларни тегишли қарор қабул қилиш учун ҳудудий ички ишлар органларига топшириш;

қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ қўриқлаш пости ҳудудида фуқароларнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатларини текшириш, агар уларда қурол, ўқ-дорилар, портловчи, радиоактив ёки заҳарли моддалар, портлатиш қурилмалари, пиротехника буюмлари, гиёҳхандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг прекурсорлари ёхуд муомалада бўлиши тақиқланган ёки чекланган бошқа нарсалар, қўриқланаётган объект ҳудудига

олиб кирилиши ва ундан олиб чиқиб кетилиши тақиқланган ашёлар, буюмлар, воситалар бор деб ҳисоблашга асослар мавжуд бўлса, фуқароларни шахсий кўрикдан ўтказишни, уларнинг ашёларини, қўл юкини, багажини кўрикдан ўтказишни амалга ошириш ҳамда мазкур нарсалар, воситаларни ва моддаларни олиб юриш ҳамда сақлаш учун қонуний асослар мавжуд бўлмаган тақдирда уларни олиб қўйиш, транспорт воситаларини кўздан кечириш ва ташиб ўтилаётган юklarнинг товар-транспорт ҳужжатларига мувофиқлигини аниқлаш. Қўриқланаётган объект ҳудудига олиб кирилиши ва ундан олиб чиқиб кетилиши тақиқланган ашёлар, буюмлар, воситалар рўйхати қўриқланаётган объект маъмурияти томонидан тасдиқланади ва кириб-чиқиш йўриқномасининг ажралмас қисми ҳисобланади;

фуқаролар ва мансабдор шахслардан хизмат вазифалари бажарилишига тўсқинлик қилувчи ҳуқуқбузарликлар ва хатти-ҳаракатларни тўхтатишни талаб қилиш. Ушбу талаблар бажарилмаган тақдирда, ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлар, ҳуқуқбузарликларга барҳам бериш юзасидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тегишли чораларни қўллаш;

қўриқланаётган объектлар назорат-ўтказиш жойлари ва ҳудудларида ноқонуний олиб чиқиладиган, олиб кириладиган мол-мулкни аниқлаш ва олиб қўйиш учун, шунингдек ғайриқонуний ҳаракатларни аниқлаш учун, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, текшириладиган мол-мулк ва атроф муҳитга зиён етказмайдиган замонавий техник воситалардан фойдаланиш;

қўриқланадиган объектларга ғайриқонуний равишда кирган ёки киришга уринган шахсларни аниқлаш, бундай хатти-ҳаракатларнинг олдини олишда хизмат итларидан фойдаланиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ қўриқланаётган объектларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар ва белгиланган тартибга мувофиқ жисмоний куч ишлатиш, хизмат ҳайвонларини қўллаш, ўқотар қурол ва махсус воситаларни олиб юриш ва улардан фойдаланиш.

17. Қўриқлаш хизмати ходимлари ва бўлинмаларининг фаолияти қуйидаги асосий нормативлар ва мезонлар билан баҳоланади:

нарядларнинг объектларни қўриқлаш бўйича фаолияти самарадорлиги ва жисмоний, юридик шахсларга кўрсатиладиган хизмат сифати (ўғрилиққа йўл қўймаслик, ўғрилиқ ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш), шартномавий мажбуриятларга риоя этилиши;

замонавий қўриқлаш ахборот-коммуникация технологик тизими (воситалари)ни жорий этиш ва кўрсатиладиган техник хизматнинг сифати;

кўрсатиладиган хизмат турларини кенгайтириш, қўриқланаётган объект ва фуқаро хонадонлари сонининг ошиши;

идоравий қўриқлаш бўлинмаларининг назорат текширувини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш, уларнинг фаолиятини самарали тарзда мувофиқлаштириш, аниқланган камчилик ва хатоларни аниқ бартараф этиш;

давлат бошқаруви ва ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан хавфсизлик, видеокуза-

тув воситаларини ўрнатиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларида ҳамкорлик қилишнинг ҳолати;

бўлинмаларнинг жанговар тайёргарлик ҳолати, ўқув машқлари ва машғулотларининг сифати;

шахсий таркибнинг касбий тайёргарлиги сифати ва ахлоқий-руҳий ҳолати, бўлинмаларда интизом ва қонунчиликка риоя этилиши.

18. Ички ишлар органлари қўриқлаш хизмати мансабдор шахсларга объектларнинг муҳандислик-техник мустаҳкамлигидаги камчиликларни бартараф этиш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, шартномавий мажбуриятларни бажаришга, моддий бойликлар сақланишини таъминлаш ва қўриқлаш хизмати ходимлари, ишчи-хизматчиларининг меҳнат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тақдимномалар киритиш ҳуқуқига эга. Белгиланган тартибда расмий огоҳлантириш, шунингдек ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсларга огоҳлантириш хати киритади.

19. Қўриқлаш постида хизматни ўтаётган ходим (патруль) бевосита бошлиқларига ва масъул навбатчига бўйсунди. Фақат ушбу шахслар уни наряддан озод қилиш ёки алмаштириш ҳуқуқига эга.

20. Қўриқлаш постида хизматни ўтаётган ходим (патруль) қонунга зид бўлган буйруқ ёки фармойиш олганда уни бажаришни рад этиши ва белгиланган тартибда бу ҳақда юқори турувчи бошлиғи (командири)га ахборот бериши шарт.

21. Қўриқлаш хизмати шахсий таркибидан фақат белгиланган мақсадларда — шартномалар асосида қўриқлаш фаолияти билан боғлиқ вазифаларни бажариш учун фойдаланилади.

22. Қўриқлаш хизмати нарядларининг вазифалари, уларнинг фаолиятини ташкил этиш, хизматни ўташ, уни назорат қилиш тартиб-қоидалари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг буйруғи билан белгиланади.

4-боб. Қўриқлаш хизмати нарядлари фаолиятини ташкил этиш

23. Қўриқлаш бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари билан тасдиқланган рўйхатга киритилган объектлар ҳамда ихтиёрий равишда мурожаат қилган жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулки, объектлари шартномага асосан қўриқланади.

24. Объектни қўриқлашни ташкил этиш масаласи объектлар маъмурияти ва қўриқлаш хизмати вакилларининг ҳамкорлигида белгиланади. Бунда объектнинг жойлашуви, муҳандислик-техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозланганлик даражаси, ҳудуддаги криминоген вазият ва бошқа ҳолатлар эътиборга олинади.

25. Қўриқлаш хизмати ходими махсус тайёргарликдан, шунингдек жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қуролни қўллаш билан

боғлиқ шароитлардаги ҳаракатларга касбий яроқлилигини таъминлаш учун махсус тайёргарликдан ва даврий текширувлардан ўтади.

26. Қўриқлаш хизмати нарядларининг хизмати 8 соатлик ёки 12 соатлик сменалар асосида ташкил этилади.

Объектнинг жойлашуви, унинг ва хизматни ўташнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, нарядларнинг хизмати суткалик ва вахта усулида ташкил этилиши мумкин.

Нарядлар хизмати 24 соатли сменалар бўйича ташкил этилганда, наряд аъзоларининг ҳар бирига навбатма-навбат овқатланиш ва қисқа муддатли дам олиш учун уч сменали режимда саккиз соат, тўрт сменали режимда олти соат вақт ажратилади. Ушбу вақт иш вақтига киритилмайди.

27. Вахтанинг давомийлиги етти суткагача белгиланади ва бунда хизмат қоровуллик тартибида ташкил этилади. Қоровуллик хизмати ташкил этилганда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Гарнизон ва қоровуллик хизмати тўғрисидаги уставда белгиланган тартибга амал қилинади.

Вахта усулида хизмат ташкил этилганда, ходимларнинг дам олиши, овқатланиши, ювиниши ва улар билан ўқув машғулотларини ўтказиш, уларнинг табель қуролларини сақлаш бўйича тегишли шарт-шароитлар яратилган бўлиши шарт.

28. Ўта муҳим ва тоифаланган объектларда нарядлар хизматини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ амалга оширилади.

29. Банкларни қўриқлаш бўйича нарядлар хизматини ташкил этиш шарт-шароитлари ўзига хос томонларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга асосан белгиланади.

30. Техник қўриқлаш пунктлари томонидан кўрсатилаётган хизматнинг ҳаммабплигини таъминлаш мақсадида объектлар алоҳида гуруҳларга (ижтимоий аҳамияти, сақланаётган моддий-товар бойликлар миқдори ва сони ва шу кабиларга асосан) таснифланади. Қўриқлаш бўлинмаларига амалдаги тарифларини фоиз ҳисобида камайтирган ҳолда хизмат кўрсатишга руҳсат этилади. Объектларни гуруҳларга классификациялаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири буйруғи асосида белгиланади.

5-боб. Идоравий қўриқлаш бўлинмаларида назорат текширувларини ўтказиш ва мувофиқлаштириш

31. Назорат текширувлари қўриқлаш хизмати томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкани ҳимоя қилиш ва дахлсизлигини таъминлашда ягона сиёсат юритилишини таъминлаш ҳамда идоравий қўриқлаш бўлинмалари томонидан қўриқланаётган объектларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилади.

32. Вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар объектларининг (Ўзбекистон Республикаси Президенти Хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирли-

ги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Фавкулудда вазиятлар вазирлиги, Давлат божхона кўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, уларга бўйсунувчи юридик шахслар ва улар томонидан қўриқланадиган объектлар бундан мустасно) назорат текшируви режа асосида, ҳар икки йилда бир маротаба ўтказилади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ташаббуси билан, шартнома асосида, уларга тегишли объектларда ҳам назорат текширувлари ўтказилишига йўл қўйилади.

33. Назорат текширувида ички ишлар органларининг ёнғин хавфсизлиги хизмати ва ҳудудий профилактика инспекторлари иштирок этади ҳамда ички ишлар органларининг манфаатдор хизматлари вакиллари ва бошқа мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

34. Назорат текшируви объект қўриқлаш бўлинмаси раҳбарлари ва объект маъмурияти вакиллари иштирокида амалга оширилади.

35. Назорат текшируви жараёнида қуйидагилар ўрганилади ва мувофиқлаштирилади:

идоравий қўриқлашнинг ташкил этилганлиги ҳолати, қўриқлаш штат бирликларининг жамланганлиги, қўриқлаш ходимларининг хизмат ва жанговар тайёргарлиги, улар билан ўқув машғулотларининг ўтказилиши; постлар сони, хусусияти, уларнинг ёпилиши; хизматни ўташ тартиби, пост ҳужжатларининг юритилиши (пост жойлашуви, хизмат вазифалари, иш жадваллари, йўриқнома, хизматга тарқатиш китоби ва шу кабилар); ходимларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, хизмат ўталишининг текширилиши;

объектнинг қўриқлаш-ёнғин сигнализацияси ва видеокузатув тизимлари ҳолати, уларнинг белгиланган меъёрларга мослиги, объектнинг муҳандислик-техник воситалар билан жиҳозланганлиги, турникетлар мавжудлиги, эшиклар, деразалар, деворлар, тўсиқлар, ёритиш тизимининг ҳолати ва ҳоказолар;

идоравий қўриқлаш ходимлари учун яратилган шарт-шароитлар, хизмат, текширув хоналарининг жиҳозланиши, телефон ва бошқа алоқанинг мавжудлиги, ходимларнинг хизмат кийим-бош билан таъминланганлиги;

мавжуд махсус воситалар, қурол-аслаҳаларга рухсатномаларнинг мавжудлиги, уларнинг ҳолати, ҳисоб-китоби, сақланиши;

объектда ички режим ва рухсат бериш режими ўрнатилганлиги, унинг тартибини белгиловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги, рухсатнома тизимининг мавжудлиги ва унга амал қилиниши;

объект ходимлари ва хизматчилари ва объект атрофида яшовчи фуқаролар билан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ўтказилаётган профилактик тадбирлар ва ёнғин хавфсизлигини таъминлашга доир олиб борилаётган ишлар;

қоровул итлардан фойдаланиш тартиби, уларнинг хизмат сифатлари, уларнинг сақланиши ва парвариш қилиниши.

Идоравий қўриқлаш бўлинмалари фаолиятини назорат тартибида текшириш ва мувофиқлаштириш жараёнида объектнинг қўриқланишини таш-

кил этиш, хавфсизлигини таъминлашга доир бошқа масалалар ҳам ўрганилади.

36. Назорат текшируви натижалари бўйича далолатнома тузилади ва иштирок этган вакиллар томонидан имзоланади. Далолатномада объектнинг қўриқлаш-хавфсизлик тизимида аниқланган камчиликлар кўрсатилиб, уларни бартараф этиш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар билдирилади, бунинг учун аниқ муддатлар белгиланади.

37. Объект маъмурияти аниқланган камчиликларни бартараф этиш, тегишли объектларнинг ички ва рухсат бериш режими, қўриқлаш тизими-ни такомиллаштириш бўйича режа (дастур) ишлаб чиқади. Камчиликларни бартараф этиш ва қўриқлаш тизимини такомиллаштириш бўйича белгиланган муддатларда маълумот беради.

Қўриқлаш хизмати камчиликларни бартараф этиш, тегишли объектларнинг ички ва рухсат бериш режими, қўриқлаш тизимини такомиллаштириш бўйича режа (дастур) ижросини мувофиқлаштиради ва белгиланган муддатдан сўнг назорат тариқасида текширув ташкил этади.

38. Ўтказилган назорат текширувлари натижалари Бош бошқарма томонидан умумлаштирилиб, текширилган объектларнинг тегишли республика бошқарув органларига зарур тавсиялар билан биргаликда тақдим этилади.

39. Назорат текширувини режалаштириш, ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг буйруғи билан белгиланади.

6-боб. Қўриқлаш хизматининг моддий-техник таъминоти, ходимларнинг ижтимоий ҳимояси

40. Қўриқлаш хизматига моддий-техника воситалари, хизмат хоналари қўриқланаётган объектларнинг корхоналари ва муассасалари ва бошқа ташкилотлар томонидан ажратилади.

41. Қўриқлаш хизмати ўз маблағлари ҳисобига хизмат биноларини белгиланган тартибда лойиҳалаштириши ва қуриши ҳамда хизмат биноларини қуришда улуш ҳисобида иштирок этиши мумкин.

42. Қўриқлаш хизмати ходимларига хизматни ўташ даври давомида уй-жой қуйидагилар ҳисобидан берилади:

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳисобидан;

объектлари ва мол-мулки қўриқланаётган ташкилотлар томонидан уларнинг ходимлари ва хизматчилари билан умумий асосларда;

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳри Ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳисобидан;

қўриқлаш хизматининг ўз маблағларига қурилган уй-жой фонди ҳисобидан.

Ётоқхонага эга бўлган ташкилотлар шартнома асосида улардан қўриқлаш хизмати бўлинмалари ходимларига турар жой берадилар.

43. Қўриқлаш хизмати ходимларига ва уларнинг оила аъзоларига ички

ишлар органларининг тиббиёт муассасалари, мактабгача таълим муассасалари, шунингдек қўриқланаётган объектларнинг поликлиникалари, касалхоналари, санаторийлари, дам олиш уйлари, мактабгача таълим муассасалари томонидан хизмат кўрсатилади.

44. Меҳнат шароитлари соғлиқ учун зарарли бўлган объектларда хизмат қилувчи қўриқлаш хизмати ходимлари шу объектларнинг ишчи ва хизматчилари учун назарда тутилган барча имтиёз ва қулайликлардан фойдаланадилар.

45. Комендатуранинг молия-хўжалик таъминоти тегишли қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

7-боб. Қўриқлаш хизмати ходимларининг жавобгарлиги

46. Қўриқлаш хизмати ходими ғайриқонуний ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги, шунингдек хизмат вазифасини тўлақонли бажармагани учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

47. Қўриқлаш хизмати ходими хизмат интизомини бузганлиги учун Ички ишлар органларининг Интизом уставига мувофиқ жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 23 июндаги 421-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қўриқлаш бош бошқармаси ҳақида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Қўриқлаш бош бошқармаси (кейинги ўринларда Бош бошқарма деб аталади) ўз ваколати доирасида давлат объектларини, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкани қўриқлашга доир ички ишлар органлари функцияларини амалга оширадиган, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг (кейинги ўринларда Ўзбекистон Республикаси ИИВ деб аталади) мустақил таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Бош бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ва Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг буйруқлари ва фармойишларига амал қилади.

3. Бош бошқарма Мустақиллик майдонини ва у ерда жойлашган бино-

ларни қўриқлаш бўйича Комендатура, Тошкент шаҳрида жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари объектларини қўриқлаш бўйича алоҳида батальон, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳри Ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари қўриқлаш бошқармалари, техник қўриқлаш воситалари мониторинг ва назорат марказлари, саф бўлинмалари, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари, шаҳарлар ва туманлар ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг қўриқлаш бўлимлари (бўлинмалари) (кейинги ўринларда қўриқлаш хизмати бўлинмалари деб аталади)га раҳбарлик қилади ва уларнинг фаолиятини назорат қилади.

4. Бош бошқарма таркибида қўриқлаш, молия-хўжалик, хизмат фаолиятини ташкил этиш ва раҳбарлик қилиш бўйича бошқармалар, бўлимлар ва бўлинмалар тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири зарур ҳолатларда Бош бошқарманинг тузилмасига ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. Бош бошқарма юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўзининг номи давлат тилида ёзилган муҳрга, Ўзбекистон Республикасининг банк ҳисоб рақамларига, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларига эга бўлади.

6. Бош бошқармада иш юритиш ва махфийлик тартиби бўйича тадбирлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7. Бош бошқарма ва қўриқлаш хизмати бўлинмалари ўз фаолиятини шартнома асосида жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилган қўриқлаш хизмати эвазига тушадиган маблағлардан самарали фойдаланиш, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш, харажатларини қоплаш ва мустақил хўжалик юритиш тамойили асосида амалга оширади.

Бош бошқарма ва қўриқлаш хизмати бўлинмаларининг штатлари ва харажатлар сметалари молия органларида қайд этилмайди.

8. Бош бошқарма ўзига юкланган вазифаларни ИИВнинг бошқа таркибий бўлинмалари, Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, идоралари ва бошқа ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда ҳал этади.

2-боб. Бош бошқарманинг асосий вазифалари ва функциялари

9. Қуйидагилар Бош бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади: ички ишлар органлари қўриқлаш хизмати бўлинмалари фаолиятини ташкил этиши ва методик раҳбарлик қилиш;

давлат объектларини, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкни шартнома асосида қўриқлашни мувофиқлаштириш;

қўриқлаш бўлинмаларида назорат текширувларини ўтказиш, идоравий қўриқлаш бўлинмалари объектларида ички ва руҳсат бериш режимига риоя этилишига доир ишларни назорат қилиш;

қўриқланаётган объектларда ички ва рухсат бериш режимини таъминлаш;

жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини сақлашга доир тадбирларда иштирок этиш;

қўриқланаётган объектлардаги техник қўриқлаш воситаларидан фойдаланиш, уларни ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишни шартнома асосида амалга ошириш;

молия-хўжалик фаолиятини ташкил этиш;

ташкилий-штатлар ва кадрлар ишларини мувофиқлаштириш.

10. Юкланган вазифаларига мувофиқ Бош бошқарма қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) ички ишлар органлари қўриқлаш хизмати бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш ва уларга методик раҳбарлик қилиш соҳасида:

криминологик прогнозларни, статистик маълумотларни, ахборот материаллари ва бошқа материалларни тўплаш, умумлаштириш, таҳлил қилишни амалга оширади, қўриқлаш хизмати бўлинмалари хизмат фаолияти масалалари бўйича маълумотлар банкини яратади;

қўриқлаш хизмати бўлинмалари фаолиятини мониторинг, назорат қилишни, методик бошқаришни, жорий ва истиқболли режалаштиришни амалга оширади, шартнома асосида мол-мулк ва объектларни қўриқлаш доирасида уларга юкланган вазифаларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатади;

қўриқлаш хизмати бўлинмалари шахсий таркиби билан реал ҳолатга яқинлаштирилган шароитларда ҳаракатланиш жараёнида ҳар томонлама таъминот, бошқарув, шунингдек амалий ҳаракатлар юзасидан қўмондонлик-штаб, махсус-тактик ва оператив-тактик машқлар, машғулотларни ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

қўриқлаш хизмати бўлинмалари фаолиятини компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, шунингдек ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг самарали механизминини яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

мол-мулк ва объектларнинг қўриқланишини таъминлашда жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик шакллари ва усулларини такомиллаштиради, шунингдек Бош бошқарманинг ваколати доирасидаги бошқа масалалар бўйича турли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

б) давлат объектларини, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини қўриқлашни мувофиқлаштириш соҳасида:

жисмоний ва юридик шахсларнинг объектлари ва мол-мулкининг қўриқлаш учун қабул қилинишига, мол-мулкни қўриқлаш, моддий бойликларни қўриқлаш-қузатиш билан боғлиқ пулли хизматлар кўрсатишни ташкил этишга раҳбарлик қилади;

юридик ва жисмоний шахсларнинг объектларини қўриқлашни таъминлаётган қўриқлаш хизмати саф бўлинмалари, ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ва қоровуллик бўлинмалари нарядлари фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш ишларини амалга оширади;

юридик ва жисмоний шахсларга тегишли мол-мулк, моддий бойликлар, пул ва бошқа бойликларни самарали қўриқлаш ва уларни қўриқлаш-кузатиш бўйича қўриқлаш хизмати фаолиятининг шакл ва усуллари шакллантиради ва амалиётга татбиқ этади;

криминоген, террорчилик, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатларда ҳаракатланиш бўйича қўмондонлик-штаб ва махсус-тактик ўқув-машуғулоти, машқларни режалаштиради, тайёргарлик кўради ва ўтказди;

ички ишлар органлари бошқа хизматлари билан ҳамкорликда ўз ваколатлари доирасида қўриқланаётган объектлар, уларнинг ҳудудларида қонунга зид тажовузлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширишни ташкил этади;

в) қўриқлаш бўлинмаларини назорат текширувидан ўтказиш, идоравий қўриқлаш бўлинмалари объектларида ички ва рухсат бериш режимига риоя этилишига доир ишларни назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш соҳасида:

қўриқлаш бўлинмаларида назорат текширувлари ўтказди, идоравий қўриқлаш ташкил этилишини, ходимларнинг хизматни ўташини, уларнинг касбий тайёргарлигини, объектларнинг техник мустаҳкамлиги ва жиҳозланишини ўрганади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, уларга бўйсунувчи юридик шахслар ва улар томонидан қўриқланадиган объектлардан ташқари, бошқа идоравий қўриқлаш бўлинмалари томонидан қўриқланадиган объектларнинг ички ва рухсат бериш режимига риоя этилишига доир ишларни назорат қилади ва мувофиқлаштиради;

идоравий қўриқлаш тизимини такомиллаштириш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритади;

г) қўриқланаётган объектларда ички ва рухсат бериш режимини таъминлаш соҳасида:

қўриқланаётган объектлардаги ички ва рухсат бериш режимга риоя этилишини таъминлаш бўйича қўриқлаш хизмати бўлинмалари ишларини назорат қилади ва мувофиқлаштиради;

ички ишлар органларининг бошқа хизматлари билан ҳамкорликда ўз ваколатлари доирасида қўриқланаётган объектлар, уларнинг ҳудудларида қонунга зид тажовузлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

ҳолисона назорат қилишнинг замонавий технологиялари ва воситаларини қўриқлаш хизмати бўлинмалари фаолиятига жорий этади;

д) жамоат тартибини сақлашда ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этиш соҳасида:

жамоат тартибини сақлашни ва қўриқланадиган объектларда ва ёндош худудларда хавфсизликни ташкил қилади;

қўриқланадиган объектлар худудларида ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича ўз вақтида чора-тадбирлар кўради;

ички ишлар органлари, шу жумладан йўл-патруль хизмати, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноят-қидирув, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўлинмалари, шунингдек жамоат тартибини сақлаш ва қўриқланаётган объектларда хавфсизликни таъминлаш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштиради;

оммавий тадбирларни, шу жумладан байрамлар, халқ сайлларини ўтказиш давомида жамоат тартибини сақлаш бўйича ягона дислокацияга мувофиқ иштирок этишни таъминлайди;

е) шартнома асосида қўриқланаётган объектлардаги техник қўриқлаш воситаларидан фойдаланиш, уларни ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатиш соҳасида:

қўриқланаётган объектларда техник қўриқлаш воситаларини қўллаш бўйича ягона техник сиёсат юритилишини таъминлайди;

мол-мулк ва объектларни қўриқлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш ҳамда техник қўриқлаш воситалари ёрдамида жисмоний шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишларини мувофиқлаштиради;

техник қўриқлаш воситаларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича қўриқлаш хизмати бўлинмалари муҳандис-техник таркиби ходимлари ишларини ташкил этади;

янги замонавий хавфсизлик техника воситаларини ишлаб чиқиш, ўзлаштириш ва қўриқланаётган объектларга жорий этиш фаолиятини мувофиқлаштиради, объектларни бўлиши мумкин бўлган ҳуқуққа зид ҳаракатлардан ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш учун уларнинг мониторингини амалга оширади;

қўриқлаш техник воситаларини синови ва текширувини ташкил этади, Ўзбекистон Республикасида қўриқлаш асбоб-ускуналарида фойдаланиш борасида тавсиялар беради, Ўзбекистон Республикаси худудида қўриқлаш хизмати бўлинмалари фойдаланишига рухсат берилган қўриқлаш техник воситалари рўйхатини ишлаб чиқади;

монтаж ишлари ҳажмига нисбатан штатлари сони белгиланадиган, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш, қоплаш тамойиллари асосида монтаж бригадалари (гурӯҳлари) тузади;

қўриқлаш фаолияти масалалари бўйича маслаҳат-техник кенгашлар, амалий учрашувлар, илмий-амалий конференциялар, семинарлар ўтказиш;

автоматлаштирилган хабарлар узатиш тизими техник асбоб-ускуналарни модернизациялаш ва уларни янада такомиллаштириш бўйича ташкилий-амалий чора-тадбирлар ўтказиш;

ж) молия-хўжалик фаолиятини ташкил этиш соҳасида:

қўриқлаш хизмати бўлинмаларининг бухгалтерия ҳисоботи, молия-хўжалик фаолияти таҳлилини юритади, молия-хўжалик фаолияти бўйича йиғма ва умумлаштирилган статистика ҳисоботларини ва бошқа ҳисоботларни ту-

зади ва белгиланган муддатларда тегишли идораларга тақдим этади, қўриқлаш хизмати бўлинмаларининг даромадлар ва харажатлар сметасини режалаштиради, тасдиқлайди;

қўриқлаш хизмати бўлинмаларига дебиторлик қарзларни ундириш бўйича амалий ёрдам кўрсатади ва уларнинг фаолиятини назорат қилади;

меҳнатга ҳақ тўлаш, мукофотлаш шартлари, имтиёзлар, ойлик пул маошлари, қўшимча маошлар, тариф ставкалари, қўриқлаш хизмати бўлинмалари ходимларига ҳақ тўлашнинг бошқа шартлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбариятига таклифлар киритади;

қўриқлаш хизмати бўлинмаларида ҳисоб-китоб ва ҳисоботларнинг ҳолатини, пул маблағлари ва моддий бойликларнинг сарфланиши ва сақланишини, иқтисод тартибига риоя этилишини назорат қилади, фойдаланилмаётган товар-моддий бойликларни белгиланган тартибда қайта тақсимлаш чораларини кўради;

қўриқлаш хизмати бўлинмалари эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда шахсий таркибга форма кийим-кечаги ва бошқа зарур моддий-техника ресурслари бўйича буюртманомаларни ишлаб чиқади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тегишли хизматларига тақдим этади;

моддий-техника воситалари (қурол-яроғлар, транспорт воситалари, ёқилғи-мойлаш материаллари, махсус воситалар, ташкилий техника, радиостанциялар, алоқа воситалари ва шахсий ҳимоя воситалари) тегишлилик табелини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, шунингдек уларнинг ҳисобини амалга оширади ва оқилона фойдаланилишини назорат қилади;

қўриқлаш бошқармалари тасарруфидаги бино, иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирлаш ишларини ташкил этади ҳамда назорат қилади;

з) ташкилий-штат ва кадрлар ишлари соҳасида:

қўриқлаш хизмати бўлинмаларининг тузилмалари ва штатларини ишлаб чиқади, штатлар сонини киритиш (қисқартириш) ва қўриқлаш хизмати бўлинмаларини қайта ташкил этиш тўғрисида буйруқлар лойиҳаларини тайёрлайди, штат интизомига риоя этилишини назорат қилади;

қўриқлаш хизмати бўлинмаларининг кадрларга бўлган эҳтиёжини ўрғанади ва аниқлайди, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ИИБ ихтисослашган таълим муассасалари базаларида ходимларни бошланғич тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади ва шу мақсадда заруратга кўра хорижий давлатларга юборади;

хизмат интизоми ва қонунчиликни мустаҳкамлаш, қўриқлаш хизмати бўлинмалари ходимларининг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, ҳарбийлашган қўриқлаш ва қоровуллик, муҳандис-техник бўлинмалари учун кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларида демократик асосларни ривожлантириш, уларни маънавий ва моддий рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомга, ушбу Низомга ва лавозимлар номенклатурасига асосан белгиланган тартибда ички ишлар органларига кадрларни танлаш,

танлов асосида қабул қилиш, тайинлаш, жой-жойига қўйиш, ротация қилиш, эгаллаб турган лавозимидан озод этиш ва хизматдан бўшатиш, аттестациядан ўтказиш, таътиллار бериш ва бошқа ваколатларни амалга оширади;

қўриқлаш хизмати бўлинмалари ходимларининг маънавий-руҳий ҳолатини назорат қилади ва доимий мониторинг олиб боради, уларни ўқитиш, тарбиялаш ва шахсий таркиб ўртасида фавқулудда ходисалар рўй беришининг олдини олиш чора-тадбирларини амалга оширади;

хизмат вазифаларини бажариш вақтида вафот этган ходимларнинг оила аъзоларига ижтимоий ҳамда маънавий ёрдам кўрсатади;

қўриқлаш хизмати бўлинмалари ходимларининг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, маънавий билимларини ошириш мақсадида маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этади ҳамда улар томонидан ички ишлар органларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини назорат қилади;

шахсий таркибнинг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш, маънавий-психологик соғломлаштириш, руҳий барқарорлигини шакллантириш борасидаги ишларни ташкил этади ва амалга оширади.

Бош бошқарма қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

3-боб. Бош бошқарманинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

11. Юкланган вазифа ва функцияларни амалга ошириш учун Бош бошқарма қўйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат томонидан мажбурий қўриқланиши лозим бўлган объектлар рўйхати ҳамда идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлашни ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлган республика давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар рўйхатини шакллантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

объектларни сигнализация воситалари билан жиҳозлаш бўйича монтаж-созлаш ишлари, қўриқлаш техник воситалари ишлаб чиқиш ва туркумли ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни белгиланган тартибда ташкил қилиш ҳамда қўриқлаш бўлинмаларига техник хизматлар кўрсатадиган, техник ускуналар, воситалар, товарлар ишлаб чиқараётган мулкдорларга бошқа хизматлар кўрсатиш;

белгиланган тартибда қўриқлаш-ёнғиндан огоҳлантириш сигнализацияси аппаратлари, бошқа техник воситалар ва материалларни сотиш;

қўриқлаш фаолиятини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш масалаларида бошқа давлатларнинг ташкилотлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан икки томонлама ва кўп томонлама амалий ҳамкорлик ва халқаро амалий ҳамкорликни амалга ошириш;

қўриқлаш фаолияти соҳасида қарор қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотнома ахборот ва бошқа материалларни Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимидаги органлар ва бўлинмалардан белгиланган тартибда сўраб олиш;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ва унинг бўлинмаларининг маълумотлар базаларидан белгиланган тартибда фойдаланиш;

комиссиялар, кенгашлар ва бошқа маслаҳат органларини, шу жумладан манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг тегишли тузилмалари вакиллари иштирокида ташкил этиш;

бюллетень, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламларини, конференциялар материалларини нашр этиш орқали қўриқлаш фаолияти масалаларига доир ахборотни тақдим этиш.

12. Бош бошқарма қуйидаги мажбуриятларни бажаради:

ўз ваколатлари доирасида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкни, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини ҳимоя қилиш чораларини кўриш;

қўриқлаш хизмати бўлинмалари иши тўғрисидаги зарур маълумотларни тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбариятига тақдим этиш.

Бош бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам бажариши мумкин.

13. Бош бошқарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

4-боб. Бош бошқарма фаолиятини ташкил этиш

14. Бош бошқармага Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

Бош бошқарма бошлиғининг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган уч нафар ўринбосари бўлади.

15. Бош бошқарма бошлиғи:

1) Бош бошқарма ишларини ташкил этади ва унга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

2) Бош бошқарма ваколатлари доирасига кирувчи масалалар бўйича республика давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси ИИВ номидан вакиллик қилади;

3) ўз ваколатлари доирасида белгиланган тартибда қўриқлаш хизмати бўлинмаларининг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

4) Бош бошқарма бўлимлари (бўлинмалари), Алоҳида батальоннинг низомлари, функционал мажбуриятлари ва иш режаларини, Комендатуранинг функционал мажбуриятлари ва иш режаларини тасдиқлайди, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳри ИИББ, вилоятлар ИИБ қўриқлаш бошқармалари низомлари (уставлари)ни келишади;

5) ўз ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва уларнинг юклатилган хизмат йўналишлари бўйича бажариладиган ишлар учун шахсий жавобгарлигини белгилайди;

6) тинчлик ва фавқулодда ҳолат даври, табиий ва техноген хусусиятли

фавкулудда вазиятлар юзасидан махсус режалаштириш ва ҳарбий сафарбарлик масалаларини ташкил этади ва назоратини амалга оширади;

7) тасдиқланган смета доирасида пул маблағлари сарфланишини бошқаради, белгиланган тартибда банкларда ва уларнинг филиалларида жорий ва бошқа ҳисоб рақамлари очади;

8) камомаддан, растратадан, ўғирликдан кўрилган ва суд томонидан ундириб олиш рад этилган зарарларни, қайтариб олишнинг иложи йўқ деб ҳисобланган бошқа қарзларни, аниқ айбдорларни аниқлаш мумкин бўлмаган ҳолатларда бойликларнинг меъёрдан ортиқча миқдорда табиий бузилиши туфайли кўрилган зарар ва йўқотишлар туфайли етишмаган бойликларни, шунингдек асосий фондлар ҳисобида бўлган маънавий эскирган ва келгусида фойдаланишга яроқсиз асбоб-ускуналарни қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобдан чиқаришни амалга оширади;

9) ишлаб чиқиладиган қўриқлаш сигнализацияси асбоб-ускуналари, техник қўриқлаш марказ (пункт)лари қурилишининг намунавий лойиҳалари техник шартларини келишади, техник топшириқларини белгиланган тартибда тасдиқлайди;

10) қўриқлаш хизмати бўлинмалари фаолиятининг барча масалалари бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади, камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради, киритилган таклифларни амалга оширади, ушбу ишлар ташкил этилишини назорат қилади;

11) шахсий таркибни танлаш, жой-жойига қўйиш, ўқитиш ва тарбиялаш бўйича ишларни ташкил этиш, Бош бошқармада ва унинг жойлардаги бўлинмаларида штат-молия интизомига риоя қилиниши юзасидан назоратни амалга оширади;

12) Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбариятига қўйидагилар тўғрисида таклифлар ва тақдимномалар киритади:

қўриқлаш хизмати бўлинмалари ташкилий тузилмаси ва штатларини ўзгартириш;

Бош бошқарма бошлиғи ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари, бўлим бошлиқларининг ўринбосарлари, Комендатура бошлиғи, Алоҳида батальон командири лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳри ИИББ ва вилоятлар ИИБлари раҳбарияти билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳри ИИББ ва вилоятлар ИИБлари қўриқлаш бошқармалари бошлиқларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;

Бош бошқарма, Комендатура, Алоҳида батальоннинг офицерлар таркибига махсус унвонлар бериш;

қўриқлаш хизмати бўлинмалари ходимларини давлат ва идоравий мукофотлар билан тақдирлаш;

13) Бош бошқарма ва унинг саф бўлинмалари хизматида номзодларни танлов асосида саралаб олиш бўйича белгиланган тартибда комиссия тузади;

14) ҳарбийлаштирилган қўриқлаш, қоровуллик бўлинмалари штатларини киритиш (қисқартириш) ва қайта ташкил этиш бўйича буйруқлар чиқаради;

15) Бош бошқарма, Алоҳида батальоннинг сафдорлар, сержантлар ва офицерлар таркиби, ишчи ва хизматчиларини хизмат (иш)га қабул қилиш, тайинлаш, жой-жойига қўйиш, вақтинча четлатиш, лавозимдан озод этиш ва хизмат (иш)дан бўшатишни амалга оширади, Бош бошқарма бошлиғи ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, Алоҳида батальон командири бундан мустасно;

16) Ўзбекистон Республикаси Президенти Хавфсизлик хизмати билан келишган ҳолда Комендатуранинг сафдорлар, сержантлар ва офицерлар таркибини (Комендатура бошлиғидан ташқари), ишчи ва хизматчиларини хизмат (иш)га қабул қилиш, тайинлаш, жой-жойига қўйиш, вақтинча четлатиш, лавозимдан озод этиш ва хизмат (иш)дан бўшатишни амалга оширади;

17) Бош бошқарма, Комендатура ва Алоҳида батальоннинг сафдорлар таркибига «сафдор», сержантлар таркибига «сержант», «катта сержант», ички ишлар органларига янгидан қабул қилиниб, офицерлик лавозимларига тайинланаётганларга «катта сержант» махсус унвонларини беради;

18) қўриқлаш хизмати бўлинмалари ходимларини белгиланган тартибда рағбатлантиради ва интизомий жазо беради;

19) лавозимлар номенклатурасига мувофиқ қўриқлаш хизмати бўлинмалари ходимларини аттестациядан ўтказиши;

20) ўз ваколати доирасида, қўриқлаш хизмати бўлинмаларида йўл қўйилган қонунийлик, хизмат ва меҳнат интизому бузилиши ҳолатлари бўйича хизмат текшируви ўтказишни тайинлайди;

21) Бош бошқарма ходимларини белгиланган тартибда хизмат сафарларига юборади;

22) Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳри ИИББ, вилоятлар ИИБлари қўриқлаш бошқармалари бошлиқларининг тақдимномаларига кўра қуйидагиларни лавозимга тайинлайди, лавозимдан озод этади, вақтинча четлатади ва хизматдан бўшатади:

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳри ИИББ, вилоятлар ИИБлари қўриқлаш бошқармалари-бўлимлари бошлиқларининг ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари, бўлим бошлиқларининг ўринбосарлари, бўлинма бошлиқларини;

вилоятлар марказлари ва Нукус шаҳри, Тошкент шаҳри туманлари қўриқлаш бўлимларининг бошлиқларини, батальонлар командирлари ва уларнинг ўринбосарларини;

23) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ички ишлар органлари туман қўриқлаш бўлимлари бўлинмалари бошлиқларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этишни келишади;

24) қонун ҳужжатларига мувофиқ Бош бошқарма ваколатига тегишли бўлган бошқа ваколатларни амалга оширади.

16. Бош бошқарма бошлиғи бўлмаганда, унинг ваколатларини Бош бошқарма бошлиғи ўринбосари — қўриқлаш фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи амалга оширади.


17. Бош бошқарма бошлиғи ҳузурда хизмат ҳамда молия-хўжалик фао-

лиятини ривожлантириш истиқболининг муҳим масалалари, сигнализациянинг арзон ва ишончли воситаларини ривожлантириш ва жорий этиш бўйича қарорлар ишлаб чиқиш учун Кенгаш тузилади, унинг таркибига Бош бошқарма ходимлари ва қўриқлаш хизмати бўлинмаларининг энг тажрибали ходимлари киради. Кенгаш қарорлари тавсия хусусиятига эга бўлади.

5-боб. Яқунловчи қоида


18. Бош бошқарма фаолиятини ташкил этишнинг ушбу Низомда назарда тутилмаган масалалари қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг тегишли ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

**Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари қўриқлаш хизматининг
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**




Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 23 июндаги 421-сон қарорига
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қўриқлаш бош бошқармасининг ТУЗИЛМАСИ




**Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар
Ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар Ички ишлар бошқармалари
Қўриқлаш бошқармаларининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**




Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 23 июндаги 421-сон қарорига
6-ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳари
Ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар Ички ишлар бошқармаси
Қўриқлаш бошқармалари алоҳида батальон (отряд)ларининг намунавий
ТУЗИЛМАСИ**



**Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳари
Ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар Ички ишлар бошқармалари туман ва шаҳар
Ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) қўриқлаш бўлимлари (бўлинмалари)нинг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 23 июндаги 421-сон қарорига
8-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
қиритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 февралдаги 39-сон қарори билан тасдиқланган Маъмурий жазога тортилган шахсларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 йил, 2-сон, 11-модда) 5-илованинг 076 кодли позициясидаги «(«Қўриқлаш» республика бирлашмаси)» сўзлари «(Қўриқлаш бош бошқармаси)» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 январдаги 16-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 йил, 1-сон, 8-модда) 5-банди биринчи ва иккинчи хатбошиларнинг русча матнидаги «Республиканского объединения «Охрана» при Министерстве» ва «Республиканским объединением «Охрана» при Министерстве» сўзлари «Главного управления охраны Министерства» ва «Главным управлением охраны Министерства» сўзлари билан алмаштирилсин.